

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишени тугатиш тўғрисида)

2021 йил 30 август

Элликқалъа тумани

Жиноят ишлари бўйича Элликқалъа туман суди куйидаги таркибда, раислик қилувчи шу суд раиси О.Ж.Мауленов, судья ёрдамчиси А.Абдуллаевнинг котиблигида, давлат айбловчиси Элликқалъа туман прокурори ёрдамчиси З.Кенжаева, жабрланувчи Г.Казакбаева ва фуқаровий даъвогар ХХ ҳамда гумон қилинувчи ХХ ва унинг адвокати А.Ерниязованинг иштирокида, Элликқалъа тумани ИИО пробация гуруҳи биносида, очик сайёр суд мажлисида, дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи ХХга оид тўпланган 1-2316-2101/49-сонли жиноят ишени кўриб чиқди.

ХХ, 01.03.1961 йили Тўрткўл туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, нафахада, маълумоти ўрта, оилали 4 нафар фарзандли, муқаддам судланмаган, Элликқалъа тумани “ХХ” ОФЙда яшайди.

Суд - суд мажлисида, гумон қилинувчи, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг кўрсатувларини ҳамда прокурор фикрини тинглаб, иш материаллари билан таққослаб, текшириб чиқиб куйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

ХХ, 2021 йил 09 июль куни соат 10:20ларда, давлат рақам белгиси 95 С ХХ НА бўлган “LADA LARGUS” русумли транспорт воситасида Элликқалъа тумани Ойбек кўчаси бўйлаб шарқдан ғарб томонга қараб ҳаракатланиб келаётиб, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрь кунги 370-сонли қарори билан тасдиқланиб, 2016 йил 01 март кунидан кучга кирган Йўл-ҳаракати қоидаларининг 53-банди яъни, ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлаш, йўналишни ўзгартириш (қайта тизилиш, бурилиш, қайрилиб олиш, қувиб ўтиш ва айланиб ўтиш) ва тўхташдан олдин бажарилаётган манёвр хавфсиз эканлигига ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига ҳалақат бермаслигига ишонч ҳосил қилиш кераклиги, 96-банди 2-кичик бандидаги, йўналишини ўзгартираётган ҳайдовчи йўналишини ўзгартирмаётган транспорт воситалари ва пиёдаларга йўл бериши ва қарама-қарши йўналишда бир вақтда траектория ўзгартириладиган бўлса, ўнг тарафдаги транспорт воситаси имтиёзга эгалиги ҳамда 98-банди 2-кичик бандидаги, ҳайдовчилар тартибга солинмаган чорраҳалардан ўтиш қоидаларига ҳамда чорраҳада ўрнатилган имтиёз белгиларига амал қилиши шартлиги, 104-бандидаги, тенг аҳамиятга эга бўлмаган йўллар кесишган чорраҳада иккинчи даражали йўлда ҳаракатланаётган транспорт воситасининг ҳайдовчиси асосий йўлдан яқинлашаётган транспорт воситаларига, уларнинг кейинги ҳаракат йўналишидан қатъий назар, йўл бериши кераклиги тўғрисидаги талабларини кўпол равишда бузиб, ҳаракатланиш жараёнида эҳтиёткорлик чораларини кўрмасдан, Элликқалъа тумани Навоий кўчаси бўйлаб ҳаракатланиб келаётган ХХ бошқарувидаги давлат рақам белгиси



95 F XX НА бўлган “DAMAS” русумли транспорт воситаси билан тўқнашиб кетиши оқибатида йўл-транспорт ҳодисасини содир қилган.

Ушбу содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаси натижасида XX бошқарувидаги давлат рақам белгиси 95 F XX НА бўлган “DAMAS” русумли транспорт воситасида йўловчи сифатида келаётган Тўрткўл тумани Атауба ОФЙда яшовчи 27.11.1996 йилда туғилган Казакбаева Гулсолтан Араздурдиевна тан-жароҳати олиб, Эллиққалъа тумани Тиббиёт бирлашмасининг жарроҳлик бўлимига ётқизилган.

Мазкур ҳолат юзасидан тайинланган суд-тиббий экспертизасининг 2021 йил 03 август кунги 410-сонли хулосасига кўра Казакбаева Гулсолтан Араздурдиевнанинг баданига соғлиқнинг узок (21 кундан кўп) муддатга бузилишига олиб келадиган ўрта оғир (умуртқа поғонаси ёпиқ жароҳати, VI-I, VII-XI танасини комперессион синиши) даражадаги тан-жароҳати етказилганлиги аниқланди.

XX ўзининг юқоридаги ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда гумон қилинувчи тариқасида ишга жалб қилинган.

Суд мажлисида гумон қилинувчи XX ва жабрланувчи Г.Казакбаева ва фуқаровий даъвогар XX судга ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Гумон қилинувчи XX суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, 2021 йил 09 июль куни соат 10:20ларда, давлат рақам белгиси 95 С XX НА бўлган “LADA LARGUS” русумли транспорт воситасида Эллиққалъа тумани Ойбек кўчаси бўйлаб шарқдан ғарб томонга қараб ҳаракатланиб келаётиб, Эллиққалъа тумани Навоий кўчаси бўйлаб ҳаракатланиб келаётган XX бошқарувидаги давлат рақам белгиси 95 F XX НА бўлган “DAMAS” русумли транспорт воситаси билан тўқнашиб кетиши оқибатида йўл-транспорт ҳодисасини содир қилганлиги, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқроп эканлигини, қилмишидан пушаймонлигини, содир этилган қилмишнинг оқибатини англаганлигини, ҳозирда жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги, уларга етказилган моддий зарарларни қоплаб берганлигини билдириб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Г.Казакбаева, 2021 йил 09 июль куни соат 10:20ларда, XXнинг бошқарувидаги “LADA LARGUS” русумли транспорт воситаси билан Эллиққалъа тумани Навоий кўчаси бўйлаб ҳаракатланиб келаётганида турмуш ўртоғи XX бошқарувидаги давлат рақам белгиси 95 F XX НА бўлган “DAMAS” русумли транспорт воситаси билан тўқнашиб кетганини, ушбу ҳолат бўйича XXга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, уни кечирганликларини ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарлар тўлиқ қопланганлигини, аризасини ўз хохиши билан ёзганлигини, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашилганлиги муносабати билан тугатишни сўради.

Фуқаровий даъвогар XX 2021 йил 09 июль куни соат 10:20ларда, XXнинг бошқарувидаги “LADA LARGUS” русумли транспорт воситаси билан ўзининг бошқарувидаги “DAMAS” русумли транспорт воситаси тўқнашиб кетганини, ушбу ҳолат бўйича XXга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, и кечирганликларини ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарлар тўлиқ қопланганлигини, аризасини ўз хохиши билан ёзганлигини, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб



чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашилганлиги муносабати билан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи Г.Казакбаева ва фуқаровий даъвогар ХХ ҳамда гумон қилинувчи ХХнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини, жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Эллиққалъа туман прокурори ёрдамчиси З.Кенжаеванинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, гумон қилинувчи ХХнинг айбига ихтиёрий иқроорлигини, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув айбланувчи ва жабрланувчи ҳамда фуқаровий даъвогарнинг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, унга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни ва моддий ва маънавий зарарларнинг қопланганлигини инобатга олишни лозим топди.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи Г.Казакбаева ва фуқаровий даъвогар ХХга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 476, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига мувофиқ ХХга нисбатан ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан кўзғатилган жиноят иши, ярашилганлиги муносабати билан айблилик ҳақидаги масаласи ҳал қилинмасдан ҳаракатдан тугатилсин.

Жабрланувчи Г.Казакбаева ва фуқаровий даъвогар ХХга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарга етказилган моддий ва маънавий зарарларнинг қопланганлиги инобатга олинсин.

Ажримга норози бўлган тараф йигирма сутка ичида шу суд орқали Қорақалпоғистон Республикаси судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:

О.Ж.Мауленов

